VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

26 (87) 2010 йил 7 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz



### Давлат рамзлари

Давлатимиз герби қалбида ўз Ватанига муҳаббати бўлган ҳар бир инсон учун чексиз фахру ифтихор манбаидир. Зеро, уни эъзозлаш ўзининг, ўз юртининг қадр-қимматини билган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

3-бет



### Гулистон ҳунарманди

Халқимиз турмуши, урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик соҳаси Сирдарё вилоятида ҳам ривожланиб бормоқда. Вилоятда «устоз-шогирд» анъаналарини давом эттириш мақсадида 50 та ҳунармандчилик мактаблари ташкил этилган.

5-бет



### Аҳоли миграцияси

Аҳоли миграцияси янги минг йиллик аввалида ўзгача қиёфа касб этмоқда. Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг 3 фоизи (қарийб 200 млн. киши) туғилиб ўсган юртини тарк этиб, иқтисодий аҳволи яхшироқ бўлган давлатларга кўчиб ўтган.

7-бет

MT БУГУНГИ СОНДА:

ФРАКЦИЯ 2-бет
Кўчмас мулк бозори
Барча бирдек масъул масала
ПАРТИЯ ҲАЁТИ 3-бет
Йиғилиш танқидий руҳда ўтди
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Фуқаро ҳуқуқи
Одам савдоси — мудҳиш жиноят
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Полвонлари бор бўлсин юртнинг...
ЖАРАЁН 6-бет
16 мингдан ортиқ ёш мутахассис
Етук кадрлар тайёрлаш — бош мақсадимиз
Замонавий дастгоҳлар
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Олтин сағана афсонаси
Дунёдан дараклар
КЎЗГУ 8-бет
Музейга қачон боргансиз?

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

# Кўчмас мулк бозори

## УНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ УЧУН ҲУҚУҚИЙ БАЗА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.



Дастлаб фракция аъзолари "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

— Ушбу лойиҳа даставвал "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида" деб номланган бўлиб, лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда биринчи ўқиш давомида депутатлар томонидан қизғин муҳокама чоғида қонун лойиҳасини мукаммаллаштириш юзасидан билдирилган қатор таклиф-мулоҳазаларга мувофиқ иккинчи ўқишга янги ном билан киритилмоқда,- деди мазкур масала юзасидан фикр билдирган фракция аъзоси Улуғбек Жалменов.



Шундан сўнг депутатлар иккинчи ўқишда муҳокамага киритилиши кутилаётган "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур қонун лойиҳасининг тушунтириш хатида изоҳланишича, амалдаги "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонунининг 25-моддаси иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачини Вазирлар Маҳкамаси тайинлайди, деган норма мавжуд эди.

2-бет

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Экология – бу сиз билан биз нафас олаётган мусаффо ҳаво, яшаб турган муҳитдир. Ҳар куни эрта тонгдан боғчага, мактабга, ўқув юртига, ишга, қисқаси ҳаёт ташвишлари, деб елиб-югурамиз. Бироқ, атроф-муҳитга эътибор билан назар солишга эса баъзан вақт тополмаймиз. Назаримизда бусиз ҳам ҳаёт худди бир маромда давом этаётгандек, туюлади.

# Барча бирдек масъул масала

Аслида эса бутун борлиқни беминнат таъмин этувчи она-табиат ҳамиша инсондан эътибор ва меҳр кутади. Афсуски, бизга берилган ана шу инъомлардан ноoқилона фойдаланаётганимиз бугунги кунга келиб ўзининг салбий оқибатларини намоён этмоқда. Табиатнинг ифлосланиши ҳозирги кунда нафақат маҳаллий ёки минтақавий, балки умумбашарий тус олди. Табиатнинг ҳар бир бўлаги мувозанатда бўлиб, унда юз берадиган ҳар қандай ўзгаришлар, албатта, унинг табиий маромига таъсир қилади. Биз буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Экология – табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг назарий асоси бўлиб, у ўзига хос предметга, вазифаларга эгадир.

Умуман олганда, бугунги кундаги замонавий экология бундан 150 йил аввал немис олими Э.Геккель таърифлаб берган "Экология" тушунчасидан тубдан фарқ қилади. Яъни, ҳар қандай организмнинг тадрижий ривожланишига олим айтганидай нафақат вужуд ичида кечадиган соф биологик, биофизик, биохимик ва бошқа жараёнлар балки ташқи муҳит ҳам фаол таъсир этиши аллақачон ўз исботини топган.

Бугун экология ўз ичига 70 та фундаментал фанларни қамраб олган кўп қиррали соҳадир. Экология инсон билан уни ўраб турган атоф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатни, таъсирни ўрганувчи, таҳлил қилувчи ва истиқболини белгилаб берувчи илмий, амалий йўналишлар мажмуи ҳисобланади.

Ҳозирги даврга келиб, экологик муаммолар инсоният олдида турган энг асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Бугунги кунда экологик муаммоларни ҳал этиш ва экологик хавфни бартараф қилиш қанчалик муҳимлигини Президентимиз Ислом Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида батафсил ёритиб берганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим.

2-бет

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# «Энг улуғ, энг азиз»

***Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда биз учун энг буюк, энг азиз қадрият, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи - мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловига таклиф этади.***

Танловга «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда Ватанимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни

2-бет

ФЕСТИВАЛЬ

# Полвонлари бор бўлсин юртнинг...



Ўзбек спортининг бугунги муваффақиятлари ҳақида гап кетар экан унга эришишнинг асосий омили беихтиёр мустақиллик берган имкониятларга бориб тақалаверади.

Хўш, барча соҳаларда бирдай ислоҳотлар изчиллик билан давом эттирилаётган, унинг самараси ўлароқ юксалишлар юз бераётган бир даврда спорт соҳасида қандай натижалар қўлга киритилмоқда?

5-бет

БАНДЛИК



# 16 мингдан ортиқ ёш мутахассис

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА ИШЛИ БЎЛДИ

6-бет

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ




САНА

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки йиллардаёқ ўз рамзларига эга бўлди. Бу рамзлар юртимизнинг озод ва ободлиги, унинг суверенитети мазмунини ифодалаши билан бирга давлат, жамият ва халқ иродаси, мақсади ва интилишларини ўзида мужассам этади. Жумладан, шу кунларда қабул қилинганига ўн саккиз йил тўлган Давлат гербида ҳам тарихий қадриятларга айланган тасвирлар воситасида халқимизнинг ўтмиши, бугуни, келажаги ҳамда унинг тинчлик, эзгулик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидлари акс эттирилган.

## Давлат рамзлари

### МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Эътибор қаратадиган бўлсангиз, энг аввало, кўзингиз герб марказида қанотларини ёзганча парвозга шайланиб турган Хумо қушига тушади. Мазкур қуш афсоналарда бахт, эркесварлик, ҳиммат ва олижаноблик тимсоли сифатида тасвирланган. Аждодларимиз уни давлат қуши ҳам деб билишган. Шунингдек, водий узра нур сочаётган қуёш тасвири серқуёш юртимизга, ундаги обод манзилларга ишора бўлиши билан бирга, қалбида доим меҳр-шавқат ва оқибат қуёши бўлган бағри кенг ватандошларимизга таъриф беради. Баланд тоғлар оралаб оқаётган дарёлар – мангулик тимсоли бўлса, гербнинг чап томонидаги буғдой бошоқлари халқимизнинг ризқ-рўзи бутунлигини, ўнг томонидаги қийғос очилган пахта чаноқлари юртимиз одамларининг оппоқ орзулари, эзгу ниятларини ифодалайди. Саккиз қиррали юлдуз элу юртимиз ва фуқароларимиз жипслиги, унинг ичидаги ярим ой ва юлдуз динимизга хос муборак тимсолдир.

Давлатимиз герби қалбида ўз Ватанига муҳаббати бўлган ҳар бир инсон учун чексиз фахру ифтихор манбаидир. Зеро, уни эъзозлаш ўзининг, ўз юртининг қадр-қимматини билган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси давлат рамзлари воситасида халқимиз, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида, аждодларимиз анъаналарига содиқ қилиб тарбиялаш, шу орқали уларнинг маънавиятини юксалтириш, улар қалбида мустақилликни асраш ва қадрлаш туйғуларини янада мустаҳкамлашни ўз дастурларида белгилаб олган. Бу борада неча йилдирки "Давлат рамзлари" туркумида бир қатор тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси, Тошкент шаҳар ташкилоти ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан "Давлатимиз рамзи - миллатимиз фахри" мавзусида ўтказилган тадбир ҳам ана шу мақсадда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун муносабати билан бўлиб ўтган мазкур тадбирда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, партия фаоллари, шунингдек, университет жамоаси ва ёшлар иштирок этди.




- Давлат герби мамлакат фуқаролари учун муқаддас ҳисобланган белгидир, - деди анжуманда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азамат Зиё. - У юрагида Ватан туйғуси бор ҳар қандай кишида миллий ғурур, ўзига хос фахр, энг муҳими юртга меҳр уйғотади. Бу сўзни давлат тушунчасидан айри тасаввур қилиш қийин. Мустақилликни қўлга киритиб, гербига эга бўлган халқ, аввало, ўз тақдирини ўзи белгилайди.

Шунингдек, нотиқ герб сўзи ва унинг келиб чиқиш тарихига тўхталар экан, бундан 2500 йил муқаддам улкан сарҳадда ҳукм сурган қадимги турк хони Ўғузхон даврида ҳам туркча "тамға" сўзи айнан шу маънони билдирганини, XIII – XIV асрларда ҳукм сурган давлатларда савдо карвонларидан тамға божи олинганини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга у хозирги кунда айрим ташкилотлар томонидан "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонунда Давлат гербини ўрнатиш тартиб-қоидалари бўйича гербимиздан фойдаланиш борасида йўл қўйилаётган хатоларга ҳам тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг сўзга чиққанлар иштирокчиларга давлатимиз ўз гербига эга бўлган куннинг аҳамияти, давлат гербида акс этирилган ҳар бир белгининг рамзий маъноси ҳақида кенг тушунчалар берди.

Тадбир сўнгида партия сафига янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Худди шундай тадбир ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан Тошкент туманида ташкил этилди. "Гербимиз - ифтихоримиз" мавзусида байрамона руҳда ўтказилган тадбирда маҳаллалардаги бир гуруҳ отахону онахонлар, таълим соҳаси ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимиз рамзлари ҳамда уларни миллий ғурур ва эҳтиром тимсоллари сифатида улуғлаш, ардоқлаш шунингдек, она Ватанга садоқатли бўлишга чорловчи шиорлар тадбирга келган ҳар бир иштирокчининг эътиборини тортди. Тадбир бошида Давлат мадҳияси янгради.

Шундан сўнг "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинишининг тарихий аҳамияти", "Гербимизнинг баркамол авлод маънавияти ва ғурурини шакллантиришдаги ўрни" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Кечанинг бадиий қисмида Тошкент тумани маданият ва спорт ишлари бўлимининг ёш ижодкорлари композицион чиқишлар қилдилар. Айниқса, З.Жалилов номли маҳаллада яшовчи 80 ёшдан ошган Раҳимжон ота Исоқовнинг "Менинг Ўзбекистоним" шеъри иштирокчилар қалбидан чуқур жой олди.

Айтиш жоизки бундай тадбирлар ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида камол топтириш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда давлат рамзларини умуммиллий ғурур, эҳтиром тимсоллари сифатида улуғлаш ва ардоқлашни ҳар томонлама тарбиялашга ҳисса қўшади. Зеро, Президентимиз айтганларидай миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади.

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

## Йиғилиш танқидий руҳда ўтди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Нукус шаҳар кенгашининг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ЎзМТДП ҳудудий партия ташкилотларининг ўрни ва роли» мавзусидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Кенжабой Худойберганов кириш сўзи билан очди ва кун тартибидаги биринчи масала юзасидан маъруза қилди. Маърузачи партия кенгашининг 2010 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўтган даврда амалга оширилган ишлар, эришилаётган ютуқлар ва камчиликлар ҳақида атрофлича тўхталди.

- Ўтган давр мобайнида ЎзМТДП Нукус шаҳар кенгаши ўз фаолиятини партиямиз Дастури ва Марказий Кенгаш қарорлари асосида самарали ташкил этишга ҳаракат қилди, - деди нотиқ. - Бугунги кунда шаҳар бўйича 31 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, унинг атрофида 890 нафардан ортиқ аъзоларимиз бирлашган. Партия аъзоларининг 40 фоизини хотин-қизлар, 37 фоизини эса ёшлар ташкил этади. Уларнинг ижтимоий таркиби устаҳунармандлар, зиёлилар, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизими вакиллари, маданият ва санъат соҳаси ходимларидан иборат. Ҳисобот даврида ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан «Наврўз ва спорт ўйинлари» шиори остида мини футбол, миллий кураш, тош кўтариш бўйича ёшлар ўртасида мусобақалар ташкил этилиб, фаол ёшлар рағбатлантирилди. «Миллий қадриятлар», «Миллий қўғирчоқлар – маънавиятимиз ойнаси», «Тилга эътибор – элга эътибор», «Биз ёшлар, чекишга қаршимиз», «Экология ва ёшлар», «Аёл ва ҳуқуқ», «Соғлом она —соғлом бола» мавзуларида ўтказилган тадбирлар эса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш каби партиявий мақсад-вазифаларимиз ижросига хизмат қилди.

Шаҳар партия ташкилоти етакчиси ўз сўзини якунлар экан, жумладан, шундай деди: — Албатта, бу келтирилган маълумотлардан ишимиз рисоладагидек, деб бўлмайди. Масалан, бугунги фаолиятимиз юзасидан танқидий-таҳлилий хулосалар партиямиздан халқ депутатлари шаҳар кенгашига сайланган депутатларимиздаги фаоллик ва ташаббускорликни янада кучайтиришни талаб қилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси ҳамда халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши депутатлар гуруҳлари билан ишлашда асосий эътиборни бошланғич партия ташкилотларига қаратиш керак. Ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг сифатини оширишимиз лозим. Шунингдек, фаолиятимизнинг асосий тарғиботчиси ҳисобланган «Миллий тикланиш» газетасига обуначиларимиз сонини кўпайтириш ҳам ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Шундан сўнг, йиғилишда халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши депутати, партия депутатлар гуруҳи раҳбари Бахт Наримбетовнинг «Ҳудудларда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишда партия депутатлар гуруҳларининг ўрни ва роли» мавзуидаги маърузаси тингланди. Маърузада таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» деб номланган маърузасида барча даражадаги депутатлар зиммасига вазифалар юкланди. Ушбу маърузада аввалги депутатлар корпуси томонидан олиб борилган ишларга баҳо бериш баробарида, улар томонидан йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланмай қолган имкониятлар айтиб ўтилди. Мамлакатни модернизациялаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда депутатлар корпуси ишларини такомиллаштиришга оид масалаларни ҳаётнинг ўзи ўртага қўймоқда. Демакки, депутат ўз фаолияти давомида ўз округи, ҳудудида ижтимоий муаммоларни кўра олиши, уларни бартараф этиш чораларини мутасадди корхона ва ташкилотлар билан биргаликда ҳал қила олиши керак. Шунингдек, депутат ҳудудни ободонлаштириш, қўшимча иш ўринларини яратиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратиши лозим. Маҳаллий кенгаш депутатлари қонунчиликда назарда тутилган ваколатлари доирасида корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларининг қонун ҳужжатларининг бажарилиши бўйича ҳисоботларини тинглаб бориши керак. Чунончи, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар Дастури ва унда белгиланган вазифаларни бажариш масалалари депутатларнинг диққат-эътиборида бўлиши шарт.

- Халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгашида партиямиз катта имкониятга эга. Чунончи, халқ депутатлари шаҳар кенгашига сайланган 30 депутатнинг 10 нафари ЎзМТДП аъзоси бўлиб, бошқа партияларга нисбатан юқори кўрсаткичга эгамиз. Бундан ташқари, партиямизнинг 2 нафар аъзоси шаҳар кенгаши доимий комиссияларининг раҳбари этиб сайланди, мавжуд 5 та доимий комиссияда партия аъзолари фаолият юритмоқда,- деди маърузачи ўз нутқида.

Музокарада сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати аъзоси Нагмет Айимбетов ва депутатлар кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ишчанлик ва танқидий руҳда бўлиб ўтган йиғилиш сўнггида партия сафига қўшилиш истагида бўлган бир қатор корхоналар ходимлари ва ёшларга партия аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

**Илья ДИЛЬМАНОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

ЎзМТДП ХРОНИКАСИ

## Таъсирчан тарғибот усуллари

### ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

**ХОРАЗМ.**

Оролбўйи ҳудудларида табиатни муҳофаза қилиш ёшлар ўртасида экологик таълимни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик маданиятини юксалтириш мақсадида ЎзМТДП Хоразм вилояти ва Урганч шаҳар кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамда вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ҳамкорлигида «Партия фаолиятида экология ва саломатлик масалалари» мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда сўз олганлар, ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастурида экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган вазифалар юзасидан фикр билдирдилар.

Айтиш керакки, ҳозирги кунда экологик муаммолар долзарб тус олмоқда ва унинг оқибатлари инсонлар, айниқса, болалар соғлигига жиддий таъсир қилмоқда. Шу боис тадбирда бунинг олдини олиш учун аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга келишиб олинди.

* * *

ЎзМТДП Янгиариқ туман кенгаши томонидан «Янгиобод» ҚФЙда «Ёшлар миллатнинг эртанги эгалари» мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда ЎзМТДП Янгиариқ туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси И.Бобожонов сўзга чиқди. Нотиқ асосий эътиборини келажак эгалари қандай бўлиши керак, деган саволга қаратар экан, аввало, улар қалбида Ватанимиз тарихи, халқимиз ўтмиши, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат туйғуси мужассам бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда ёшларнинг дунёқарашини бойитиш, сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

«Гиламчи» маҳалласида ЎзМТДП Хива туман кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбати «Оила жамиятимиз таянчи» деб номланди.

Унда ЎзМТДП Хива туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ж.Ражабова сўзга чиқиб, оиланинг жамиятдаги ўрни ва ушбу институтни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мавқеини ошириш борасида партия сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш йўлида қилинаётган амалий ишлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирди.

- Ўзбек оилалари анъана ва удумлари билан ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Шундай экан, ҳозирги кунда қурилаётган оилалар минг йиллардан буён шаклланиб келган ушбу қадриятларни ҳурмат қилмоғи лозим,- деди тадбирда сўзга чиққан МФЙ раиси О.Собиров.

Тадбир сўнггида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш борасида йиғилганларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

**БУХОРО.**

ЎзМТДП Пешку туман кенгаши ва туман «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда «Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар» мавзусига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди.

Уни «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши раиси А.Ражабов очди ва тадбир мақсади ҳамда Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари мазмун-моҳиятига кенг тўхталди.

Шундан сўнг, ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Амонов сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

- Ёшларимиз бугунги кунда нафақат ўқув даргоҳларида, балки матбуот, радио-телевидение ва интернет каби оммавий ахборот воситалари орқали ҳам ранг-баранг маълумотларни олмоқда. Бироқ, жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган бир шароитда тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаётимизни кўролмайдиганлар бизнинг мақсад ва муддаоларимизга умуман мос келмайдиган ахборотларни тарқатишга уринмоқдалар. Глобаллашув даврининг бундай салбий томонлари биздан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда мустақил фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, ёт мафкураларга қарши иммунитетни шакллантириш борасида жиддий саъй-ҳаракат олиб боришни тақозо этади.

Кун тартибидаги худди шу масала юзасидан «Боғимусо» ҚФЙ раиси К.Санаев, туман «Ёшлик» оромгоҳи раҳбари Б.Тошовлар ўзларининг фикрларини баён этиб, диний экстремизм ва терроризм, ҳозирда «оммавий маданият» деб аталаётган маънавий таҳдидларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш лозимлигини таъкидладилар.

**ЖИЗЗАХ.**

ЎзМТДП Зафаробод туман кенгаши томонидан туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси собиқ раиси Шаҳарбой Бойсинов хотирасига бағишлаб таълим муассасалари педагоглари ва тиббиёт ходимлари ўртасида спорт мусобақаси ўтказилди.

Мусобақани ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Холида Тўрақулова очиб, Ш.Бойсиновнинг ҳаёти, фаолияти ва тиббиёт соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталди.

Мусобақалар спортнинг югуриш, шахмат-шашка, стол тенниси, узунликка сакраш турлари бўйича ўтказилди.

Тадбир якунида ғолиб бўлган жамоаларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**ЎзМТДП Ахборот хизмати**

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

**ЖАРАЁН**

Мамлакатимизда мустақиллик даврида ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг халқаро меъёрларига жавоб бера оладиган ҳуқуқий асослар яратилган. Бу энг аввало, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок эта олиш ҳуқуқлари қай даражада кафолатлангани билан белгиланади. Амалдаги қонунчиликда фуқаролар бир қанча ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Шулардан бири сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардир. Бунда аввало, инсонларнинг бевосита сиёсий манфаатларига тегишли бўлган ҳуқуқлари тушунилади. Сиёсий ҳуқуқлар шахснинг сиёсий жараён ва давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш имкониятларини ифодалайди.

## Фуқаро ҳуқуқи

### СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР БОШ ОМИЛИ

**О.ЧУБОЕВА,**
**Наманган Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети катта ўқитувчиси,**
**Н.ҚОДИРОВ,**
**Наманган Давлат университети толиби**

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлиги, Ўзбекистон барча фуқароларнинг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак».

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар ўз табиатига кўра инсон туғилганиданоқ эга бўладиган ва узвий ҳисобланган асосий шахсий ҳуқуқлардан фарқли ўлароқ, давлат фуқаролигига эга бўлиши билан боғлиқдир. Бу фарқлар Конституцияда шахсий ҳуқуқлар «ҳар ким», сиёсий ҳуқуқлар «фуқаролар» шаклида ифодаланган.

Сайлаш ҳуқуқи фаол ҳуқуқ ҳисобланади. Сайлаш ҳуқуқига 18 ёшга тўлган фуқаролар эга бўлади ва улар ушбу ҳуқуқ воситасида амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўзлари танлаган номзод учун овоз берадилар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ўзбекистон Республикасида сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади», дейилади. Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим принципларидан бири сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига сайланиш ва сайлаш, шунингдек, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Демократиянинг асосий шаклларидан бири бу – давлат ва жамият ҳаётининг муҳим муаммоларини умумхалқ муҳокамаси, яъни референдум воситасида ҳал этишдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 2003 йилда янги таҳрирда қабул қилинди. Унга кўра, сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

Сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъий назар, уларга референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади.

Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида қайд этилганидек, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқидир.

Ижтимоий уюшмалар фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва ўз иқтидорларини намоён қилишларига, турли эҳтиёжларини қондиришга кўмак беради. Фуқароларнинг уюшмалар аъзолигига қабул қилиш ёки кириш низомда ёзилган шартларга мувофиқ кўнгилли равишда амалга оширилади. Фуқаро партия аъзоси бўлиши ёки партиясиз бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда жамоат бирлашмалари фаолиятини тартибга солувчи қатор қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига мувофиқ «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ариза, таклиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт»лиги мустаҳкамланган.

Ваколатли органларга ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, бу – фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг амалий шаклларидан бири. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг сиёсий фаоллигини намоён қилиш, ижтимоий ишларга қизиқиши, шунингдек, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан биридир. Шу билан бирга фуқароларнинг мурожаатлари жамият ҳаётидаги жорий масалаларни ҳал қилиш учун зарур ахборот манбаи, давлат тизимининг аҳоли билан мулоқотини мустаҳкамлаш усули ва йўли сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2002 йил 11 майда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Унда фуқароларнинг мурожаатлари ҳуқуқини белгилайдиган асосий қоидалар, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддат ва тартиблари белгиланган.

Фуқароларнинг мурожаатлари мазмунига кўра уч, яъни таклиф, ариза ва шикоят шаклида бўлади. Фуқароларнинг таклифлари таклиф тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида кўриб чиқилади. Қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар эса бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган шахсга маълум қилинади.

Ариза ва шикоятлар давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса ва ташкилотга тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида ҳал этилади. Қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб қилмайдиган масалаларни эса 15 кундан кечиктирмай ҳал этишлари шарт.

Ариза ёки шикоят махсус текширувлар ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўришни тақозо этса, тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари ариза ёки шикоятни ҳал этиш муддатини, истисно тариқасида узайтириши мумкин. Лекин бу муҳлат бир ойдан ошмаслиги лозим ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Бундай ҳолатда мурожаатни кўриб чиқишнинг умумий муддати икки ойдан ошмаслиги керак.

Фуқароларга қонунлар воситасида берилган шу ва бошқа кўплаб ҳуқуқларнинг тўлиқ таъминланиши, биринчи навбатда, бошқариш маданияти даражаси, ваколатли давлат органлари хизматчиларининг масъулияти ва онги билан боғлиқ.

Бундай ҳуқуқлар ўз навбатида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширади. Энг муҳими, биз ўз олдимизга юксак мақсад қилиб қўйган ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини тезлаштиради.

**ОГОҲЛИК**

Инсон ҳаёти, унинг ҳуқуқлари – олий қадрият. У давлатимиз, жамиятимиз томонидан муҳофаза қилинади. Таассуфки, одамларга маҳсулотдек муносабатда бўлиш, бир сўз билан айтганда, инсонларни қул қилиб сотишдек жирканч жиноятга қўл уриш ҳоллари ҳам учраб турибди.

## Одам савдоси – мудҳиш жиноят

**Ш.ҚЎЧҚАРОВ,**
**Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

Одам савдоси жиноятининг ўсиши халқаро миқёсда ташкил этилган жиноятчиликнинг ўсиши билан бевосита боғлиқ. Бу жиноят билан шуғулланувчилар бир неча йил ичида тарқоқ ҳолдаги кичик жиноят гуруҳларидан халқаро миқёсдаги йирик жиноий уюшмаларга айланишга улгурди. Одатда одам савдоси билан шуғулланувчилар чет элга ишчи кучи юборувчи ташкилотлар ниқоби остида фаолият юритишади. Улар инсонларни чет элга талабалик, сайёҳлик ва бошқа турли визалар билан чиқармоқчи бўлишади.

Одам савдосининг содир бўлишига асосий сабаблардан бири бирдан бойиб кетиш орзусидир. Топганига қаноат қилмай, кўпроқ пул топиш илинжида хориждан иш излашга интиладилар. Натижада билиб-билмай фирибгарлар тузоғига тушиб қолмоқдалар. Айниқса, бундан кўпроқ аёллар ва болалар жабрланаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Одам савдоси қамрови тобора кенгайиб бораётганлигини инобатга олиб, жаҳонда бу жиноятга қарши курашиш долзарб масала бўлиб турибди. 2009 йилнинг февраль ойида Вена шаҳрида ўтказилган халқаро конференциянинг маълумотларига кўра ҳар йили 2,7 миллион нафар одам бу жиноятнинг қурбони бўлмоқда. Уларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилган. Республикамизда бу иллатга қарши курашиш масалалари давлат миқёсида ҳал қилинмоқда. Фуқароларнинг нолегал траффигига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини ташкил қилувчи асосий халқаро ҳужжатлар қўллаб-қувватланмоқда.

БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Конвенциясини тўлдирувчи, 2000 йилнинг 15 декабрида қабул қилинган "Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида"ги Баённомада одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш, бу фаолият билан шуғулланувчи шахсларни жазолаш ва унинг қурбонларига бўлган муносабатларда халқаро меъёрларга асосланган ҳолда ёндашув зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда баённоманинг қоидаларини миллий қонунчиликка сингдириш мақсадида 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Бу қонунда "Одам савдоси" ва "Одамлардан фойдаланиш" тушунчалари белгиланган, одам савдосига қарши курашиш тизимининг ташкил этилиши тартиби, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, шунингдек, одам савдоси қурбонларининг ҳимояси ва ижтимоий ҳуқуқий реабилитация масалалари қамраб олинган. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларга содиқлиги ва ўзининг халқаро мажбуриятларини бажараётганлигини тасдиқловчи яна бир далилдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизнинг одам савдосига қарши курашиш ва уни олдини олишга оид меъёрлари умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларга мос келади. Бу аввало мустақил мамлакатимизнинг Бош қомусида "Демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади", деб қатъий мустаҳкамланганлигида ёрқин акс этади. Конституциямизга мувофиқ: "Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас".

Истиқлол шарофати туфайли юртимизда ҳар бир инсон ўз қадр-қимматига муносиб тарзда озод ва эркин яшаш, меҳнат қилиш, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдор бўлиш, барча ҳуқуқ ва эркинликларидан дахлсиз равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Таассуфки, орамизда ўз ватандоши, қўшниси ёки қариндошини мўмай даромад эвазига пуллаб юборувчилар ҳам топилмоқда. Одам савдосининг олдини олиш, фирибгарларга алданиб қолишдан фуқароларимизни асрашда аҳолининг ҳуқуқий онги, маданиятини ошириш катта аҳамият касб этади. Бу борада Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги ходимлар томонидан вилоятимизнинг ҳар бир туманларида ҳамда чекка-чекка қишлоқлар, мактаблар, коллежлар, олий таълим муассасаларида, маҳаллаларда, айниқса, ёшлар ўртасида кўплаб тарғибот ишлари олиб борилмоқда, турли ҳуқуқий тушунчалар берилмоқда. Хусусан, 2009 йил давомида бошқарма ва унинг тизимидаги ходимлар томонидан бошқа идоралар билан ҳамкорликда одам савдосига оид 387 маротаба тарғибот ишлари олиб борилди. Шундан 22 маротаба телевидение, 35 маротаба радио, 30 маротаба газеталарда чиқишлар қилинди.

Маълумки, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланишига олиб келади.

**ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

## “Департамент ходими”

### НИҚОБИДАГИ ТОВЛАМАЧИЛАР МАҚСАДИГА ЕТИШМАДИ

Аброр заргарлик дўконидан ишдан кетгач, анча вақт ишсиз юрди. У ёқ, бу ёқдан ҳам иш чиқмади. Кейин хаёлига бир фикр келди: “Ўзим ишлаган заргарлик дўконини ўмарсам-чи?!”. Ўйлаб-ўйлаб шу фикрида қолди. “Фақат ўмариш бошқачароқ бўлиши керак”,- деди ва дўсти Умидуллани “ёрдам”га чақирди.

Аброр 2007-2008 йилларда сотувчи ёрдамчиси бўлиб ишлаган дўкондаги собиқ ҳамкасбларининг фаолияти ҳамда имкониятларидан тўла хабардор эди. Обдон режа тузишгач, “Меҳрибону голд” фирмасига қарашли заргарлик дўконига дўсти Умидулла департамент ходими сифатида бориб, сотувчи Г.Азимовани қўрқитиш йўли билан пул талаб қилиши керак эди. Режанинг бошланиши ёмон чиқмади – Умидулла Саматов дўстидан керакли маълумотларни олгач, сотувчи Г.Азимованинг Қоратош мавзесидаги уйига бориб, ўзини департамент ходими Мурод деб таништирди. Мурод шу кунларда департамент ходимлари томонидан “Меҳрибону голд” заргарлик дўконида текширув ўтказилиши лозимлиги, бордию керакли миқдордаги 6000 АҚШ доллари берилса, гўёки текширув бекор қилинишини айтиб, Гулчеҳрани “огоҳлантиради”. Сотувчи ёнида бундай миқдордаги маблағ йўқлиги, ўйлаб кўриб эртасига қўнғироқ қилишини айтади-да, шу куниёқ бу хабарни заргарлик дўкони раҳбари М.Ҳаитовага етказади. Мазкур воқеа шубҳа уйғотганлиги сабабли, дўкон раҳбари Ҳаитова ва сотувчи Азимовалар департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармасига мурожаат қилишади. Дарҳол вазиятни тушунган ходимларимиз тезкор тадбир режасини ҳар галгидан-да пишиқроқ тузишди. Сабаби, жиноят содир этаётганларнинг ўзи “департамент ходими” ниқоби остидаги фирибгарлар эди.

Эртасига Гулчеҳра Умидуллага қўнғироқ қилиб, айтган шартларига розилик билдирди ва учрашишга келишиб олишди. Шу куни соат тахминан 16 лар атрофида Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчасидаги Ғафур Ғулом метро бекати ёнида учрашган Умидулла ва Гулчеҳранинг барча ҳаракатлари департамент ходимларининг назаридан четда қолмади. Қўрқитиш йўли билан гўёки текширишни бекор қилиш эвазига олинган 6000 АҚШ доллари эса жиноят кўчасига кирган фирибгарлар – Умидулла Саматов ҳамда Аброр Нурматовларга насиб қилмади. “Текширувчилар” сотувчи Г.Азимовадан аввал ишлов берилган 6000 АҚШ долларини санаб олган вақтдаёқ далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Жирканч қилмиши туфайли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини балчиққа бўяшни мақсад қилган товламачилар Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми “б,в” бандларига кўра айбдор деб топилиб, одил судлов орқали уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

**Анваржон ГАФУРОВ,**
**Бош Прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Тошкент шаҳар бошқармаси СОЖАБЭОО бўлими бошлиғи в.б.**

**АНЖУМАН**

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатимизда фотография санъатининг ривожланиш йўли ва истиқболлари, бу санъатнинг маданий-маърифий ҳаётимиздаги ўрнини белгилаб олиш масалаларига бағишланди.

## Ўзбек фотографияси тараққиёти

### Тошкент фотосуратлар уйида “Ўзбекистон фотографияси тараққиёти ва истиқболи” мавзуида ижодий-амалий анжуман бўлиб ўтди

– Мустақиллик йилларида ўзбек фотография санъати том маънода янгидан шаклланди, фотоижодкорларимиз юртимизда кечаётган барча жараёнларнинг фаол иштирокчиларига айланди,- дейди Бадиий академия раиси Турсунали Қўзиев. – Халқаро танловларда қўлга киритилаётган совринлар, халқаро фотобиенналеларнинг республикамизда ўтказиш анъанасининг йўлга қўйилганлиги, Тошкент фотосуратлар уйининг ташкил этилиши мазкур соҳани ривожлантиришга давлат миқёсида берилаётган юксак эътиборнинг ёрқин далилидир.

Фотография – жамият ҳаётининг кўзгуси. Қизғин муҳокамалар жараёнида фотоижодкорларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ўрни, халқ олдидаги масъулияти, ўз асарларида воқеликни холисона ва беғараз акс эттириши бугунги кунда ҳар доимгидан кўра муҳимроқ ва долзарб аҳамият касб этажаги таъкидланди. Бу соҳага доир махсус нашрларга эҳтиёж мавжудлиги, фотоижодкорларнинг оммавий ахборот воситалари билан алоқаларини мустаҳкамлаш, фототанқидчиликни ривожлантириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Анжуман якунида фаол қатнашган иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

**МАРОСИМ**

## Аёлларга яна бир қулайлик

### Тошкентда бичиш-тикишга ихтисослашган янги ўқув марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу марказ Германиянинг техник ҳамкорлик жамияти (GTZ), Швейцариянинг “Bernina International AG” компанияси, Республика Савдо-саноат палатаси, “BERNINA-TIKUVMASH” МЧЖнинг “Банд бўлмаган аёлларни бичиш-тикишга ўқитиш” лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Швейцариянинг “Bernina International AG” компанияси маиший тикув ва кашта тикадиган машиналарни ишлаб чиқиш ва уларни тарқатиш билан шуғулланади. 2009 йилдан буён “BERNINA-TIKUVMASH” МЧЖ мамлакатимизда “Bernina” фаолиятини ривожлантириш, тикув машиналари ускуналарини импорт қилиш ва тўплаш, уларни хизмат кўрсатишини таъминлаш, тикиш ҳамда ўқитиш бўйича марказлар, курслар ташкил этиб келмоқда.

– Мазкур ўқув марказини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонга замонавий тикув машиналарини олиб кириш, ишсиз аёлларни жалб қилиш орқали кичик бизнесни янада такомиллаштиришга қаратилган,- дейди “BERNINA-TIKUVMASH” таъсисчилар кенгаши раиси Баҳодир Ходжаев. – Ўқув марказининг тақдимот маросими Андижон вилоятида ўтказилди. Бунда вилоятнинг кўплаб туманларида ушбу технологияларнинг қулайлик ва афзалликлари ҳақида аҳолига атрофлича маълумот берилди. Шуни алоҳида айтиш жоизки, ушбу марказда 3-4 ойда ўрганиладиган таълим 20 кун ичида амалга оширилади. Бу ерда замонавий технологияларда ишлашни пухта ўзлаштирган аёллар ўз ҳудудларида жорий этишга имкониятлар яратилади.

Очилиш маросимида иштирокчилар ўқув марказининг имкониятлари ва жиҳозланиши ҳамда тикиш, кашта тикиш ва оверлок машиналари сотиладиган дўкон билан яқиндан танишишди. Бундан ташқари, кашта тикиш машиналари ва компьютерда тикиш, кашта тикиш ишлари ҳамда ўлчамларни олиш ва андоза тайёрлаш имконини берувчи “My Label” дастури намойиш этилди.

**“Туркистон-пресс”**

# МАЪНАВИЯТ

ФЕСТИВАЛЬ

## Полвонлари бор бўлсин юртнинг...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни фахр ва қувонч билан айтиш мумкинки, мазкур соҳа ютуқлар салмоғи билан бошқа соҳаларга қараганда анча илгарилаб кетди. Шу ерда муҳтарам Юртбошимизнинг: «Ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчалик дунёга машҳур қила олмайди», деган фикрларини келтириб ўтиш ўринли. Орадан ўтган қисқа муддат қанчадан-қанча оддий ўзбек йигитию ўзбек қизини жаҳон чемпиони деган улуғ номга мушарраф этиб, бутун дунёга танитди. Улар тимсолида дунё Ўзбекистонни таниди ва билди.

Яна бир эътиборли томони, истиқлол сабаб деярли унут бўлаётган қадриятларимиз ҳисобланмиш миллий ўйинлар қайта тикланди. Узоқ вақт эскилик сарқити сифатида қараб келинган аслида йигитларни соғлом, чапдаст, жасур ва ғурурли қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган, ота-боболаримиздан қолган от спорти кўпкари, улоқ, чавандозлик, каби миллий ўйинлар мустақиллик туфайли яна ривож топди. Қувонарлиси, республикамизнинг деярли барча ҳудудларида мазкур спорт тури билан шуғулланувчилар учун махсус мактаблар барпо этилмоқда.



*Истиқлол туфайли унут бўлаётган қадриятларимиз — миллий ўйинлар қайта тикланди. Йигитларни соғлом ва жасур қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган, ота-боболаримиздан қолган от спорти — кўпкари, улоқ, чавандозлик каби миллий ўйинлар тобора ривож топмоқда.*

Мамлакатимизда яна шундай спорт турлари, миллий халқ ўйинлари ҳам борки, уларга ҳам истиқлол қайта жон бахш этди десак, муболаға бўлмайди. У дор санъати бўлиб, унинг тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Дор санъати ҳақида гапирганда, унинг ривожига катта ҳисса қўшган машҳур дорбозлар Тошкенбой Эгамбердиев, Усмонжон Назаралиев, Кимсан дорбоз, Лочин дорбоз, Қосимжон Абдуллаевларнинг номларини алоҳида тилга олиш жоиз. Бугунги кунда уларнинг ишларини фарзандлари ва набиралари давом эттирмоқда. Қолаверса, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бошқа кўплаб дорбозлар ва анъанавий цирк санъати жамоаларида «устоз-шогирд» мактаблари давом эттирилиб, уларда ўсмир-ёшларга қадимий дорбозлик ва цирк санъати сирлари ўргатиб келинмоқда.



Яқинда Наманган вилояти Косонсой туманида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида бўлиб ўтган дорбозлар ва анъанавий цирк санъати жамоаларининг республика кўрик-фестивали ҳам фикримизнинг ёрқин ифодасидир. Унда олий ўрин Косонсой тумани маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги Эргашхўжа Дадахўжаев номидаги «Косонсой дорбозлари» жамоасига насиб этди. Ғолиблар билан суҳбатлашиш асносида шундай нуфузли кўрик-фестивалнинг ўтказилиши учун нега айнан Косонсой тумани танлангани билан қизиқдик.

- Биласизми, Косонсой диёрида қадриятларни улуғлайдиган, ота-боболаридан қолган бой маданий меросни азалдан эъзозлаб ва давом эттириб келаётган инсонлар жуда кўп,- дейди туман ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Ҳурматой Қудратова. - Анъанавий дорбозлик, цирк санъати туманимизда яхши ривожланган. Айниқса, полвонларимизнинг шуҳрати бутун Ўрта Осиёга маълум ва машҳур. Ушбу фестиваль ҳамюртларимиз полвонлар - Неъматжон Маматов ва Эргашхўжа Дадахўжаевларнинг хотирасига бағишлаб ўтказилганлигини алоҳида таъкидлашни хоҳлардим.

- Шундай нуфузли танловнинг полвонлар хотирасига бағишлаб ўтказилиши қадриятларимиз барҳаёт эканлигини англатади,- дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жўрахўжа Норхўжаев. - Эргашхўжа укам, Неъматжон Маматов эса шогирдим эди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам бутун умри давомида бор куч-қуввати ва меҳнатини полвонлик, дор ва цирк санъатига бағишладилар.

*Отамнинг бир гапларини яхши эслайман. Улар: «...бел боғлаб курашга майдонга чиқдингми, фақат ҳалол йўл билан ғолиб бўлишга ҳаракат қил...» деб уқтирар эдилар.*

«Косонсой дорбозлари» гуруҳини ҳам марҳум Эргашхўжа Дадажўжаев ташкил этган. 15 ёшидан катта майдонга чиқиб, элнинг назарига тушган полвоннинг ишини бугун ўғиллари – Баҳодир ва Бахтиёр полвонлар давом эттирмоқда. Улар кўрик-фестивалда олий совринни қўлга киритдилар. Уларнинг таассуротлари билан ўртоқлашдик:

- Ҳар икки-уч йилда ўтказиб туриладиган республика кўрик-фестивали тан олиш керак, жуда самимий ва кўтаринки руҳда бўлиб ўтди,- дейди Баҳодир полвон. - Қолаверса, унда олдингиларга нисбатан кўпроқ, яъни 17 тадан ортиқ дор қурилиб, дорбозларга бор санъати ва маҳоратларини намойиш этишга кенг имконият яратиб берилди. Фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган 18 та дорбозлик ва 20 та анъанавий цирк санъати жамоалари ўз дастурларини намойиш этдилар. Тоғ ҳавоси эмасми, бирдан ҳаво айниб шаррос ёмғир жалага айланди. Қарангки, шундай ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам томошабинлар майдонни тарк этишмади.

Ака-укаларнинг келажакдаги режалари катта. Косонсой истироҳат боғини янада ободонлаштиришга, бу жойни дор ўйинлари, миллий кураш, қўйингки, турли халқ ўйинлари ўтказиладиган гўзал масканга айлантиришга астойдил бел боғлаган полвонлар эртаю кеч ана шу хайрли иш йўлида тинмай изланмоқда.

- Отамнинг бир гапларини яхши эслайман,- дейди полвонларнинг кичиги Бахтиёржон. - Уларнинг айтишларича, ота-боболаримиз полвонлар авлоди экан. Отам ҳар доим бизга: «...бел боғлаб курашга майдонга чиқдингми, фақат ҳалол йўл билан ғолиб бўлишга ҳаракат қил...» деб уқтирар эдилар. У кишининг айтганларига риоя қилиб, мана кам бўлмаяпмиз. Келажакдаги мақсадимиз санъатимизни бутун дунёга олиб чиқиб, ўзбекнинг қадимий ва миллий спорт ўйинларини барча халқларга танитиш. Дадам юзга яқин шогирд тайёрлаганлар. Биз ҳам ана шу анъанани, қолаверса, дадам бош қўшган хайрли, савоб ишларни давом эттираяпмиз.

Оғир юк кўтариш бўйича бир неча бор ғолибликни қўлга киритган Алпомиш совриндори Баҳодир полвоннинг 500 килограммга яқин туя боласини бемалол кўтара олишига, Бахтиёр полвоннинг умумий оғирлиги 200 килограммли тошларни осмонга отиб ўйнатишини кўзи билан кўрмаган одам ишонмаса керак. Тўғриси, бошида биз ҳам бунга унчалик ишонмаган эдик. Бироқ, Косонсойга бориб, полвонлар томошаларига гувоҳ бўлганимиздан сўнг, эшитганларимиз айни ҳақиқат эканлигига амин бўлдик.

Кўрганларимиз асносида шундай фикрга келдик. Энг олий ўринга даъвогарлик қилиш ва унга муносиб бўлиш осон иш эмас. Бизда ёш оилаларга меҳмонга борилганда албатта, хонадон эгасига Алпомишдай полвон ўғил фарзанд сўраб дуо қилинади. Бунинг замирида ҳикмат кўп. Зеро, Алпомишдай фарзандлари бор юрт ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Сайёра ХАЙИТБОЙ қизи,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**



*Тошкентдаги Учтепа тумани миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи 1993 йил ташкил этилган. Ўтган вақт мобайнида кўплаб йигит-қизлар бу масканда таълим-тарбия олиб қўлигул уста бўлишди.*

*Коллежнинг бешта – заргарлик, тикувчи-модельер, дизайнер, миллий либослар тикувчиси, ёғоч ўймакорлиги ва ҳисобчи бўлимларида бир минг эллик нафар ўқувчи таълим олаяпти. Ушбу масканни ҳар йили 350 нафар ўқувчи битириб, ўз соҳаларида меҳнат қилаяпти. Шунингдек, кўплаб йигит-қизлар олий ўқув юртларида ўқишларини давом эттиришмоқда.*

*Келгусида бу ерда мусиқа асбоблари яратиш бўлими очиш режалаштирилган.*

*Суратда: билим маскани директори Шуҳрат Иноятов (ўртада), Д.Маҳмудова, К.Ҳидоятова, Ш.Зокиров, Д.Акбаров, Г.Саржанова каби ишлаб чиқариш усталари билан.*

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

**Бугунги кунда юртимизда ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ҳунармандчиликка алоҳида эътибор берилмоқда. Қўлигул чеварлар, моҳир уста ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотларга республикамизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларнинг ҳам қизиқиши ортиб бораётганлиги қувонарлидир.**



## ГУЛИСТОН ҲУНАРМАНДИ

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Халқимиз турмуши, урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик соҳаси Сирдарё вилоятида ҳам ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони сирдарёлик ҳунарманд усталарни янада руҳлантирди. Вилоятда, ҳунармандлар томонидан кундалик эҳтиёж ва халқ истеъмоли моллари ҳажми ошиб, истеъмол бозори тўкинлиги таъминланмоқда.

Вилоятда «устоз-шогирд» анъаналарини давом эттириш мақсадида 50 та ҳунармандчилик мактаблари ташкил этилган. Уларда асосан ижтимоий кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари 6 ой давомида ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати сирларини қунт билан ўрганишаяпти. Жумладан, Боёвут туманида Зебо Тошматова, Мирзаобод туманида Салима Мадисаева, Янгиер шаҳридан Эркиной Мамажонова каби қўлигул чеварлар ёшларга ҳунар сирларини ўргатиб, ўзларига муносиб шогирдлар тайёрламоқдалар. Бу Сирдарёда оилавий ҳунармандлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётганидан далолат беради. Гулистон шаҳрида истиқомат қилувчи Ҳожиевлар оиласини барча зардўзлик билан шуғулланадиган ҳунармандлар оиласи сифатида тилга олади. Хонадон соҳиби Маҳмуд аканинг умр йўлдоши Феруза опа, қизи Мадина, келини Ироданинг қўлларида махсус келин-куёв учун тикилган либослар, болалар кийимлари ва зар тўнларга талаб катта. Шаҳар ва туманлардан тез-тез буюртмалар келиб туради.

- Зардўзлик сирларини шаҳримиздаги қизларга ҳам ўргатаяпмиз, - дейди Маҳмуд Ҳожиев. - Ҳозиргача 15 нафар шогирд тайёрладик. Умида Файзиева, Мадина Тўрақулова, Ирода Орипова, Шоҳида Обидовалар зардўзлик сирларини пухта эгаллаб олишди.

Яқинда ҳунармандлар оиласи банкдан олинган кредит ҳисобига «Жаноми» русумли замонавий япон тикув машинасини сотиб олди. Унинг ёрдамида ишлар анча енгиллашди. Машинанинг қулайлиги шундаки, маълум белгиларни боссангиз бас, матога зар иплар билан чиройли нақшларни ускунанинг ўзи тикиб қўяди. Ҳозирги пайтда ҳунармандлар 40 турдан ортиқ аёллар, эркаклар тўй либослари ва бошқа турдаги кийим-кечаклар тайёрлашмоқда. Ёш ҳунарманд Мадина Ҳожиева тайёрлаган бир-биридан чиройли, бежирим маҳсулотлар киши эътиборини тортади. Ёш ҳунарманд бу йилги «Ташаббус» кўрик-танловининг вилоят босқичида қатнашиб, «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритди ва вилоят ҳокимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. «Ташаббус» кўрик-танловининг республика босқичида 18 ёшли ёш ҳунарманд Мадина Ҳожиевага яна омад кулиб боқди. У «Энг ёш ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

- Вилоятимизда Мадина Ҳожиевадек иқтидорли, ёш ҳунармандлар сафи йилдан йилга кўпайиб бормоқда, - дейди биз билан суҳбатда «Ҳунарманд» уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Хайрулла Жўраев. – Жорий «Баркамол авлод йили»да ҳам ёш ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиб, миллий ҳунармандчилигимизнинг ноёб турлари бўлган заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, мисгарлик соҳаларини ривожлантирамиз, «устоз-шогирд» мактаблари фаолиятини жонлантирамиз.

МУЛОҲАЗА

## Китоб — билим манбаи

**Инсоният яратган мўъжизалардан бири китоб бўлиб у шахс маънавиятини ўстиришда энг қудратли қурол бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, ҳамма замонда ҳам билим олишга бўлган қизиқиш, китоб ўқишга эҳтиёж баланд бўлган.**

Улуғ адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг буюк ёзувчи бўлиб етишишида китобнинг катта роль ўйнагани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Хўш, шундай экан, бугунги кунда китобга бўлган талаб қай даражада?

Шуни очиқ тан олиш керакки, китобхонга ҳеч қачон ҳозиргидай кенг имконият, шароит яратилмаган. Бугун қайси китоб дўконига ёки расталарига борманг, хилма-хил китобларга кўзингиз тушади. Тўғриси ҳам бугунги китобхонга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Эсимда, бизнинг талабалик йилларимизда керакли китобни топиб ўқиш ҳам муаммо эди. Шунинг учун ҳам кутубхоналар, айниқса, имтиҳон пайти роса тиқилинч бўлиб қоларди.

Гоҳида ўйланиб қоламан. Ўқишга ҳам, яшашга ҳам барча зарур шароитлар яратилган фарзандларимиз нега китоб ўқишдан бунчалик узоқлашиб кетишяпти? Мен барибир бунда биз ота-оналарни сабабчи деб ҳисоблайман. Биринчидан, фарзандга китобга меҳрни болаликдан уйғотиш керак. Бунинг учун уларга туғилган кун, байрамларда ёшига мос китоблар совға қилиб турилса айни муддао бўларди. Китоб ўқиб, катта бўлган боланинг китоб ўқимай вояга етган боладан фарқи катта бўлишини бугун ҳаёт ҳар қадамда исботламоқда. Чунки китоб ўқиган, билимли бола ҳар қандай шароитда ҳам ўз йўлини топа олади. Шундай экан, фарзандларимизни китобга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялайлик. Хулоса қилиб айтганда, китоб ўқиган ва уққан инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Чунки, китоблар фақат эзгуликка хизмат қилади. Маслаҳатимиз шу бугундан кечиктирмай фарзандингизга ёшига мос китоб харид қилинг. Кейинги ишингиз, китоб жавонда қолиб кетмай, уни ўқилишини назорат қилиш бўлсин. Унутманг, китоб билан дўстлик фақат яхшиликка хизмат қилади.

Бугунги муаммолардан яна бири фарзандларимизнинг китобдан кўра кўпроқ компьютерга қизиқиб, унинг олдида соатлаб ўтириб қолаётганидадир. Тўғри, замонавий ўқувчи ёки талаба албатта компьютер билан ишлашни ҳам билиши керак. Шундай бўлса-да, китоб ўқишнинг ўзига яраша завқи бор ва бунинг ўрнини ҳеч нарса боса олмаслиги ҳам айни ҳақиқат.

**Наима КАРИМОВА,**
**Тошкент Банк коллежи ўқитувчиси**

БАНДЛИК



# 16 мингдан ортиқ ёш мутахассис

## МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА ИШЛИ БЎЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида академик лицей ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларини битирган талаба-ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада пойтахтимиздаги икки юздан зиёд корхона ва ташкилотлар 25 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Бугунги кунда аҳоли бандлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш ва умуман, ижтимоий-иқтисодий фаровонликни ошириш ҳар бир давлат олдида турган муҳим вазифага айланди. Таъкидлаш ўринлики, ўтган йиллар давомида ҳукуматимиз томонидан ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, бу борада аҳолини иш билан таъминлаш, соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари ва механизмларини такомиллаштириш мақсадида талай ишлар амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, аҳолини иш билан таъминлаш масаласи энг муҳим ва устувор вазифа этиб белгиланди.

– Мазкур ярмарканинг миқёси ва даражаси ҳар қачонгидан-да катта бўлди,- дейди Юнусобод тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Машҳура Муйиддинова. – Боиси, унда асосан юртимизда тобора ривожланиб бораётган тўқимачилик, тиббиёт, таълим, таржимонлик ҳамда дизайнерлик каби соҳа корхоналари ўз таклифлари билан иштирок этди. Ушбу йўналишлар бўйича туманимизда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар 1500 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди. Бундан ташқари "Тошкент почтамти", "Туркистон" санъат саройи, "Ўзэкспомарказ", Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам, 1-сонли болалар шифохонаси, 7-шаҳар клиник шифохонаси, "Toshkent Palase New" каби йирик ташкилотлар олий ўқув юртларини муваффақиятли тугатган битирувчиларни ишга жалб этмоқда.

# ЖАРАЁН

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, жорий йилда пойтахтимизда таълим муассасаларини 34 мингдан ортиқ ўқувчи-ёшлар битиради. Уларнинг 12 минг нафари олий ўқув юртларига кириш истагини билдирган бўлса, 24 мингдан ортиғи эса ушбу меҳнат ярмаркаси ёрдамида ўзлари танлаган соҳа бўйича ишга жалб этилди.

Меҳнат ярмаркасида иш берувчи ва бандликка кўмаклашувчи идора вакиллари томонидан иштирокчиларга таклиф қилинаётган иш – ташкилот фаолияти ва моддий таъминоти ҳақида маълумотлар берди.

Соҳиба Комилова жорий ўқув йилида маиший хизмат кўрсатиш коллежини тамомлади.

– Тикиш, бичиш ишларига қизиқаман,- дейди суҳбатдошимиз. – Менга "SPANTEX" корхонаси томонидан таклиф этилаётган иш ҳар томонлама маъқул келди. У ерда ходимлар учун яратилган имкониятлар жуда юқори экан. Шунинг учун ушбу корхона билан шартнома имзоладим, насиб қилса, келгуси фаолиятимни шу корхонада давом эттираман.

Шунингдек, ярмаркада касб-ҳунар коллеж, академик лицей битирувчилари билан бирга 27 та олий ўқув юртини тамомлаган 19 мингдан ортиқ талаба ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар ва меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳам иштирок этиб, ўзлари учун маъқул бўлган фаолият турини танлаш имкониятига эга бўлди.

Икки кун давом этган меҳнат ярмаркасида пойтахтимизнинг барча туманларидан ташриф буюрган 16 мингдан ортиқ ёш мутахассис шу ернинг ўзида янги ишга йўлланма олишди.

**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**



ҚАБУЛ—2010

**Мамлакатимизда истиқлол шарофати билан барча соҳалар каби таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури бу борада асосий омил бўлмоқда. Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти мустақиллик йилларида республикамизга ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш, талаба-ёшларнинг илмий салоҳиятини кашф этишда муайян натижаларга эришган, шунингдек, таълим-тарбия ишларини замон талабларига мос олиб бориш имкониятига эга ўқув даргоҳларидан бирига айланди.**

# Етук кадрлар тайёрлаш — бош мақсадимиз

**Мурат БЕРДИМУРАТОВ,**
**Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ ректори,**
**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Жўқорғи Кенгеси депутати**



Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда янги жамият барпо этишнинг барча қирраларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина таълим соҳасида ўтган давр мобайнида барқарор узлуксиз таълим тизими яратилди. Олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, Нукус Давлат педагогика институти ҳам ўзининг янги ҳаётини бошлади. Таълим даргоҳи халқимиз учун ҳар жиҳатдан етук педагог кадрлар тайёрлашда республикамиздаги етакчи олий ўқув юртларининг бирига айланди.

Айни кунларда институтимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига 2010-2011 ўқув йилига қабул тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш жараёни қизғин давом этмоқда. Шуни таъкидлашни истардимки, институтимизда ўқиш истагида бўлган ёшларнинг кўпайиши таълим соҳасига эътиборнинг кучайганидан далолатдир. Олийгоҳимизга бу йил бакалавриатнинг 20 та йўналиши бўйича 1275 нафар талаба қабул қилиниши режалаштирилган. Уларнинг 450 нафари давлат гранти ва 825 нафари тўлов-шартномаси асосида таҳсил оладилар. Магистратура босқичига эса 8 мутахассислик бўйича 53 нафар бакалавр дипломига эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Уларнинг 15 нафари давлат гранти ва 38 нафари тўлов-шартномаси асосида ўқишлари мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларда кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда бу йил абитуриентларимиз бакалавриат йўналиши бўйича математик, физика, астрономия, кимё, биология, география ва иқтисодий билим асослари, тарих, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, педагогика, психология, мусиқий таълим, ўзбек, қорақалпоқ, рус ҳамда қозоқ тили ва адабиёти, хорижий тил, миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқий таълим асослари, бошланғич таълим ва спорт, тарбиявий иш, мактабгача таълим, жисмоний маданият ва меҳнат таълими йўналишлари бўйича, магистратурада эса таълимда ахборот технологиялари, биология, тарих, ижтимоий педагогика, психология, ўзбек тили, ўзбек адабиёти, бошланғич таълим каби мутахассисликлар бўйича таълим олишлари мумкин.

Дарҳақиқат, бу йилги абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилишни янада яхшилаш мақсадида қабулга оид меъёрий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, янги касбга йўналтирувчи тарғибот-ташвиқот лавҳалари, маслаҳат жадвали, эълонлар, йўналиш ва мутахассисликларнинг таълим стандартлари ҳамда уларнинг фаолияти акс эттирилган баннерлар билан безатилган. Шунингдек, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қабул қилиш хоналари тартиб билан жиҳозланган, мутасадди, тегишли ташкилот ва ҳуқуқ тартибот идораларининг ишонч телефонлари ёзиб қўйилган жадваллар ишлаб чиқилган. Узоқ жойдан келган абитуриент ва уларнинг ота-оналари учун институт талабалар уйидан махсус хоналар ажратилган.

> *Олдимизда ёшларимизни нафақат етук мутахассис этиб тайёрлаш, балки уларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдек масъулиятли вазифа турибди.*

Дарҳақиқат, институтимизда таҳсил олаётган талабаларимиз учун барча шароитлар мавжуд. Ҳозирги давр талабига жавоб берадиган компьютер ва интернет синфлари, лингафон хоналари ёшларнинг севимли масканларига айланган.

Ҳозирги кунда институтимиз Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, республика халқ таълими соҳасининг истиқболини таъминлашдек долзарб мавзуга бағишланган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқот ишларини комплексли тарзда олиб бориш, юқори илмий даражадаги педагог кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, кўплаб олий ўқув юртлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибидаги илмий-тадқиқот институтлари, Фан ва технология маркази билан ҳамкорликда ахборот ва тажрибалар алмашиш, аспирантура ва докторантура орқали илмий даражага эга кадрлар тайёрлаш, ўзаро тажрибалар алмашиш, таълим ва унинг методикасига бағишланган анжуман, семинарлар ўтказиш, диссертацион тадқиқотлар, ўқув-методик адабиётлар яратиш борасида кўплаб ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур институт олимлари ҳамда ўқитувчилари доимо янгиликка интилиш, ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртлари ва халқаро илмий-тадқиқот марказлари билан алоқани янги босқичга кўтариш, ҳамкорликда тадқиқот ва тажрибалар олиб боришни ўз олдига мақсад этиб қўйганлар. Буни биз олимларимиз Россия, Германия, Франция, Ҳиндистон, Туркия, Қозоғистон каби мамлакатлар олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бораётганида ҳам кўришимиз мумкин.

Институт профессор-ўқитувчилари талабаларга таълим-тарбия сирларини пухта ўргатиш билан бирга илмий-тадқиқот ишларида ҳам яхши натижаларга эришиб келмоқдалар. Айни пайтда институтда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш йўлида меҳнат қилаётган 478 нафар профессор-ўқитувчилардан 18 нафари фан доктори, 119 нафари фан номзодларидир. Уларнинг саъй-ҳаракати ва изланишлари натижасида бугунги кунга қадар 51 та монография, 49 та дарслик, 71 та ўқув қўлланмаси, 510 та методик қўлланма, 1328 та илмий мақола ва 1243 та тезис нашрдан чиқди.

Кези келганда ушбу илмий ишларнинг яратилишида институтимиз профессор-ўқитувчилари орасида ўз билим ва тажрибаси билан фидойилик кўрсатаётган педагог-олимларнинг номини алоҳида келтиришни истардим. Улардан академик Ж.Базарбаев, профессорлардан А.Пахратдинов, К.Қурамбоев, М.Тлеўмуратов, К.Алламберганов, М.Мамбетуллаев, Ғ.Асенов, Е.Омаров, М.Айимбетов, Ғ.Аманиязовлар, доцентлардан П.Халмуратов, Г.Жумашева, С.Абаев, Қ.Қосназаров, Р.Рзаева ҳамда бошқа кўплаб профессор-ўқитувчилар яратган катта илмий аҳамиятга эга тадқиқотлар таҳсинга лойиқдир.

Институтимизда илмий даражага эга педагог кадрлар тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника қўмитаси томонидан берилган лицензия асосида амалга оширилмоқда. Институт аспирантурасида қорақалпоқ тили, қорақалпоқ адабиёти, умумий педагогика ва таълим, ижтимоий фалсафа, Ўзбекистон тарихи, ботаника мутахассисликлари бўйича 16 нафар аспирант номзодлик диссертациялари устида иш олиб бормоқда. Институт аспирантурасини тамомлаган аксарият аспирантлар номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Институтимизда илмий даражали педагог кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида 2009 йили республикамизнинг олий ўқув юртлари аспирантураларига 12 нафар ўқитувчи мақсадли ўринга ва 2 нафар ўқитувчи танлов асосида, шунингдек, 1 нафар ўқитувчи Россия Федерациясининг Воронеж давлат тўқайчилик техник академиясининг «Информатика, ҳисоблаш техникаси ва бошқарув» мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинди.

Институтда аспирантура ҳамда докторантурадан ташқари мустақил равишда 188 нафар тадқиқотчи номзодлик, 18 нафари эса докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Олдимизда ёшларимизни нафақат етук мутахассис этиб тайёрлаш, балки уларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдек масъулиятли вазифа турибди. Бу борадаги фаолиятимизда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби дастуриламал бўлмоқда. Институтда иқтидорли талабалар билан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш яхши йўлга қўйилган. Барча таълим йўналишлари бўйича иқтидорли талабалар илмий-тадқиқот мавзуларини малакавий-битирув ишлари билан боғлиқ ҳолда олиб бормоқдалар. Шунингдек, улар илмий-тадқиқот ишларида давлат бюджети томонидан ажратилган илмий грант лойиҳаларида ҳамда илмий тўгаракларда фаол қатнашмоқда. Иқтидорли талабалар республика фан олимпиадаларида, анжуманлар, турли танловларда ўзларининг илмий ихтиролари, рационализаторлиги билан иштирок этиб, институт ўқув ва илмий-тадқиқот ишларининг янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Улуғбек, Беруний, Навоий номидаги стипендиантлар бор.

Ўқув, илмий ишлар билан биргаликда институт ёшлари спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, етакчи ўринларни эгаллашга муяссар бўлмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, янги ҳаёт бўсағасида турган ва ўқув даргоҳимиз талабаси бўлиш ниятида юрган ёшларимиз учун институтимиз эшиги ҳамиша очиқ эканлигини таъкидлаш баробарида, улар олдида турган жиддий синовларда катта муваффақиятлар тилаб қоламан.

ФАОЛИЯТ

# Замонавий дастгоҳлар

## ИШ СИФАТИ ВА ҚУВВАТИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

**Мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири бўлган ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхоналар ташкил этиш муҳим масалалардан саналади.**

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Бу борада Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган корхоналар қувватини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кенгайтириш, замонавий техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлаш ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун етарли имконият ва шарт-шароит яратилмоқда. Натижада вилоятда кўплаб янги корхоналар ишга тушмоқда. Самарқанд туманидаги «СамРосХолод» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ҳам шулар жумласидан бўлиб, ҳозир корхонада пенопласт маҳсулотларидан сендвич-панель, профнастил ҳамда пластмасса қутилар ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Навоий эркин иқтисодий ҳудудида барпо этилаётган заводларга етказиб берилаётир. Республиканинг барча ҳудудларидан маҳсулотларга буюртмачилар сони ортиб бораяпти. Бундан ташқари, беш минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган музлатгичли камера ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

- Цехларимизни Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлашимиз иш қуввати ва сифатини таъминламоқда, - дейди қўшма корхона директори Акбар Шаропов. - Жорий йилнинг тўрт ойи давомида 1 млрд. 200 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, харидорларга сотилди. Корхонанинг ишга тушиши натижасида юзга яқин янги иш ўринлари яратилди.

- Корхонамизда орасталик ва тартиб-интизом қатъий йўлга қўйилган,- дейди қўшма корхона директори ўринбосари Шавкат Юлдашев. - Талаб барчага баробар. Бу меҳнатга бўлган интилиш ва ҳурматимизни янада оширади.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**БИЗНИНГ ШАРҲ**

Аҳоли миграцияси янги минг йиллик аввалида ўзгача қиёфа касб этмоқда. Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё аҳолисининг 3 фоизи (қарийб 200 млн. киши) туғилиб ўсган юртини тарк этиб, иқтисодий аҳволи яхшироқ бўлган давлатларга кўчиб ўтган. Бу кўчишлар халқаро меҳнат тақсимотидаги нотенглик, мамлакатлардаги зиддиятлар, ишсизлик, нотинчлик ва шу каби кўплаб омиллар билан боғлиқ. Европада Буюк Британия, Франция ва Германия, Осиёда Япония, Саудия Арабистони, Гонконг каби давлатлар ҳозирги кунда мигрантларни энг кўп қабул қилаётган мамлакатлар саналади.



## Аҳоли миграцияси

### ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРГА БЕВОСИТА ТАЪСИР ЎТКАЗМОҚДА



**Илёс ХАЙРУЛЛАЕВ**

Қадимда аҳоли кўчишлари эркин ва беқарор бўлган, кейинчалик эса маълум бир мақсадлар ёки сиёсий манфаатлар таъсирида рўй берган. Бироқ бу омиллар кўп жабҳаларда бурилишлар ясаса-да, умуминсоний қадриятлар, маданиятларга дахли йўқ эди. Кейинги ўн йилликларда одамларнинг ўзга ўлкаларда қўним топиши ва меҳнат қилиши мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий аҳволига таъсир этибгина қолмай, башарият ҳаётида янгича цивилизациялар, маданий босқичларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Миграция ҳар бир даврда турлича аҳамият касб этган, у айрим жамиятларда муаммолар туғдирса, баъзиларида ижобий самара берган. Масалан, XIX асрда Англияни иқтисодий таназзулдан асраб қолган уч омилдан бири аҳолининг оммавий эмиграцияси эди. Япониянинг ривожланишига жадаллик киритган жиҳат ўтиш давридаги четга чиқиб кетган фуқароларнинг катта ҳаётий тажриба, мол-мулк ва қимматбаҳо бойликлар билан қайтиши бўлган. Ташқи ишчи кучи миграцияси халқаро иқтисодий алоқаларда муҳим ўрин тутиб, аввало, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда ишсизлар сони қисқариши, хорижий мамлакатлардан валюта келишини таъминлаган. Бу эса, табиийки, мазкур мамлакатнинг миллий даромади ўсишига таъсир этади.

### Янги қитъалар томон

Халқаро миграция ташкилоти экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, хорижда ишлаётган ҳар бир ишчи ўз мамлакатига йилига ўртача 2-10 минг АҚШ доллари олиб келади. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларнинг даромади расмий эълон қилинган маълумотдан икки марта кўпдир, чунки мигрантлар ўзлари билан жамғарилган пул, техника ва асбоб-ускуналар ҳам олиб келишади.

Айтиш жоизки, кишилик жамиятининг барча даврларида миграция рўй берган. Европа ва Осиёда кўп халқларнинг таркиб топишига таъсир кўрсатган йирик аҳоли миграцияси ўрта асрларнинг бошларига тўғри келди. Айниқса, XV-XVI асрларда аҳолининг кўчиши жуда авж олди. Янги қитъа — Америкага Европадан кўчиб борувчилар сони борган сари кўпайди: дастлаб у ерга испанлар ва португаллар, сўнгра французлар, голландлар, инглизлар, шотландияликлар ва бошқа миллат вакиллари боришган.

"Яшаш учун қулай жой қидириш" — миграция жараёни Россия тарихида ҳам кўп бўлган. 1861-1914 йиллар мобайнида мамлакатнинг Европа қисмидан 5 миллиондан ортиқ аҳоли кўчиб келди. Натижада шаҳарларда яшовчилар 1911 йилда жами мамлакат аҳолисининг 6 фоизини ташкил этган бўлса, 1913 йили 18 фоизга етди. Ўша вақтда четдан келганлар Тошкентда 17 фоиз, Самарқандда 21 фоиз, Бокуда эса 64, Олмаотада 53 фоизни ташкил қилган. Шунинг таъсирида Ўрта Осиёдаги ҳамма шаҳарлар биқинида "янги" шаҳарлар бунёд бўлган. Шунингдек, темир йўл ёқаларида, ҳатто айрим қишлоқларда аҳоли яшайдиган қўрғончалар пайдо бўлди. Авлиёота, Чимкент, Тошкент, Самарқанд, Фарғонада 1865-1910 йиллар мобайнида 60дан ортиқ ана шундай қўрғонча ташкил топган. Бу даврда Марказий Осиёдаги аҳоли миграцияси чор Россиясининг сиёсий, иқтисодий манфаатларига бевосита боғлиқ эди.

### Бурилиш ва эврилиш

Миграция тарихи кўплаб бурилишлар ва эврилишларга бой. Иккинчи жаҳон уруши даврида турли сабабларга кўра фуқароларининг муайян қисмини йўқотган мамлакатлар урушдан кейин ўз аҳолисини миллий жиҳатдан яхлитлаш тадбирини кўрди. Натижада ўзга мамлакатларда яшаган 12 миллион немис, Хитой ва Корея Халқ Демократик Республикасидан 6 миллион япон, турли жойларда яшаётган бир миллион яҳудий ўз ватанига қайтди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қадимда ҳам, яқин юз йилликларда ҳам миграция бизнинг давримиздагидек салмоқли аҳамият касб этмаган. Улар шу пайтгача давлатларнинг тараққиёти, ижтимоий, сиёсий фаолияти, фан-техника ютуқларига таъсир этиб келган бўлса, ҳозир умумбашарий маданиятларнинг истиқболига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Аввал "маданият" тушунчаси муайян ҳудудларга сиёсий чегараларга боғлиқ ҳолда тушунилган бўлса, эндиликда бу ҳудудий аҳамият касб этмай қолди. Масалан, бугун турк маданиятини мамлакат чегаралари билан белгилаб бўлмайди. Чунки Берлин аҳолисининг катта қисми турк маданияти вакилларидан иборат. Қолаверса, бугун оддий ҳол ҳисобланувчи ярим умрини Мексикада, ярим умрини АҚШда ўтказадиган ишчиларнинг маданиятини қандай тушуниш керак?

БМТ маълумотларига кўра, 1995 йилда 125 миллион киши ўзга мамлакатларда яшаган. Ўша пайтда яширин эмигрантлар сони 30 миллион киши атрофида бўлган. Бугунги кунда аҳолининг бундай суръатда кўчиб юриши цивилизацияларга бевосита таъсир ўтказмоқда. Бу жараёнда эса барча мамлакатлар ўз миллийлигини асраш учун зарурий чора-тадбирларни кўриши лозим. Чунки миграциялар таъсирида тилга, миллий маданиятга эътиборнинг сусайиши миллат ва миллий ғururга таъсир ўтказиши ҳам сир эмас. Бу ҳолат тарихда ҳам ўз исботини топган.

**РАНГИН ДУНЁ**

## ОЛТИН САҒАНА АФСОНАСИ

### ЁКИ ИСКАНДАРНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

Искандар Мақдунийнинг буюклиги ҳақида қадимги дунё халқлари афсоналаридаги фикрлар ўхшаш бўлса-да, аммо унинг вафоти ва қаерда дафн этилгани ҳақидаги ривоятлар бир-бирига ўхшамайди. Бу каби афсоналар нафақат эллинлар, шунингдек, форс, араб, ҳинд ва туркийларда ҳам бисёр.

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**



Форсликлар Искандар бу халқни хўрлагани ҳамда подшоҳ Кирнинг қабрини очгани учун худонинг қаҳрига учраган дейишса, қадимги македонияликлар ичкилик сабабли ўзини бошқара олмай қолган, деган фикрни илгари суришган. Тарихчи олим Арриан, Диодор ва Плутархнинг фикрларига кўра, Искандар Антипатрнинг хуфёна буйруғига биноан ўлдирилган. Рим тарихчи олимлари Искандар Мақдуний заҳарланган, деган фикрни инкор этиб, ичкилик унинг ошқозонини яралаган ва Бобилда эрамиздан аввалги 323 йили июнь ойида ҳаётдан кўз юмган, деб ёзишган. Искандар умрининг охирги кунлари Арастунинг жияни Калисфеннинг ёзувчилари ва ҳарбий бошлиқлар томонидан аниқ ёзиб қолдирилган.

Буюк империянинг парчаланиш даври эшик қоқиб турарди. Филиппнинг ноқонуний ўғли Птоломей ўгай акаси Искандарнинг жасадини вақтинчалик Бобилда сақлашни буюради. Аммо, орадан икки йил ўтса-да, олтин сағанани қаерга жойлашни билолмай, ниҳоят Македонияга юборишади. Яна икки йилдан сўнг олтин сағанани ҳашаматли қайиқда Искандарияга келтиришади. У даврда Искандария катта пойтахт шаҳарга айланган эди. Птоломей жасадни қайта мўмиёлаб, ойнаванд олтин сағанага жойлашни буюради ва пойтахтнинг марказий майдонида мавзолей барпо эттириб, ўша ерга жойлаштиради.

Кўпчилик тарихчиларнинг тахминича, олтин сағанани подшоҳнинг замондошлари ўғирлаб, Искандарнинг жасадини ерга чуқурроқ қилиб кўмиб кетишган. Кейинчалик у ерга араблар келиб, мавзолей ўрнида масжид қурдирган. Айнан шу пайтдан Искандар Мақдуний ҳақидаги афсона чигаллашиб, саркарданинг қабри илм-фанга номаълум бўлиб қолмоқда. Буюк саркарданинг қабри ҳақида ҳам бизгача турли афсоналар етиб келган. Бу ҳолат эса археологларнинг қазишма ишларини янада қийинлаштириб юбормоқда. Форсликлар афсонасида подшоҳ Бобилда кўмилиб, Искандарияга бўш сағана олиб кетилган дейилади. Бошқа шарқ афсоналарида айтилишича, буюк саркарданинг жасади узоқ вақт давомида Мессопатамия ерларида қолиб, йўқ бўлиб кетган. Шунинг учун унинг жасади усталар томонидан қамич ва мумдан сохта ясалиб, Искандарияга юборилган, деган афсона ҳам йўқ эмас.

Римлик тарихчи олимларнинг таъкидлашича, подшоҳнинг замондош саркардаларининг ҳарбий кундалигида, Искандар касал бўлганининг 12 куни, Бобилда унинг тузалишига ҳеч ким ишонмаган ва ундан қаерга дафн этишларини сўрашганида, у Оммон ибодатхонасига ишора қилган, деб ёзилган экан.

Ғарб афсоналарига қайтадиган бўлсак, унда Птоломейлар авлодидан бўлмиш Клеопатра ниҳоятда олтин безакларга ўч бўлгани учун хуфёна олтин сағанани мавзолейдан олиб, олтинни эритиб олган, жасад эса оддий сандиққа солинган дейилган.

Қоҳирадаги рус элчихонаси ходимлари 1850 йили Искандариядаги масжиднинг ертўласида шиша сағанада ёш йигитнинг бошида тожи билан ётган қабрни топишган, деган хабар тарқалган эди. Яна уч йилдан сўнг бу хабар инкор этилди. 1990 йилда Қоҳирадаги Ислом университети профессори Абдул Азиз Искандар Мақдунийнинг қабри жойлашган ерни аниқладим, деб эълон қилди. Бу профессорнинг 139-маротаба қабрни топишга уриниши эди. Унинг таъкидлашича, Нил дарёсидан 700 км. ғарбда жойлашган Роми Оммон ибодатхонаси остида Искандар қабри жойлашган. Қазишма ишларини афиналик археолог Лиана Совальц олиб борган. Масжид пойдевори остида ертўла ва хуфёна йўл бўлган. 40 метр узунликдаги йўлда бир йил давомида қазишма ишлари олиб борилганидан сўнг, ниҳоят, 2 та катта тош плита топилган. Ана шу плиталарда қадимги юнон тилида ёзилган битик ҳам бўлган. Ёзувлар тадқиқ қилинганида биринчи тош Птоломейга, иккинчи ёзув буюк Искандарга тегишли экани маълум бўлди. Лекин, уларнинг жасади қани, олтин сағана-чи? Бу саволларга жавоб ахтариб олти йил давомида Оммон ибодатхонасида қазилма ишларини давом эттирган Лиана Совальц «Олтин сағана топилмаса-да, менинг қўлимдаги аниқ далил-ашёлардан бу ер ҳақиқатан ҳам Искандарнинг охирги қабри дея оламан», дейди. Лекин... бу оламшумул археологик топилма қачон ўз тасдиғини топар экан?

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### Ҳаво йўллари ёпилди

**Туркия расман Исроил ҳарбий рейслари учун ҳаво йўлларини ёпиб қўйган.**



Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Ахмет Давутоглу журналистларга маълум қилган. Бундан аввалроқ Исроилнинг иккита ҳарбий самолёти Туркия ҳудуди орқали учишга рухсат ололмаганди. Euronews телеканали хабарича, энди таъқиқ расман кучга кирди. Эслатиб ўтамиз, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар Исроил махсус хизматчилари томонидан Ғазо минтақасига инсонпарварлик ёрдамларини олиб кетаётган кемани қўлга олиш чоғида 9 нафар одамнинг ҳалок бўлганидан сўнг совуқлашган.

### Ясама кубокда кокаин

**Колумбия пойтахти яқинида кубок ичига яширилган улкан миқдордаги кокаин топилган.**




Колумбия аэропорти божхоначилари томонидан футбол бўйича 19-жаҳон чемпионлигини қўлга киритадиган терма жамоага топшириладиган олтин кубок нусхаси текшириб кўрилганда унинг ичига қарийб 12 килограмм миқдорда кокаин борлиги аниқланган. Испанияда эса бундан-да кўп миқдордаги кокаин ушланган. Рейтерс хабарига қараганда, мамлакатдаги Тенерифе дарёси қирғоғида ҳуқуқ органлари 2,5 тонна оғуни олиб кетаётган кемани қўлга олишган.

### Кимёвий завод тутуни

**Ҳиндистоннинг Бҳопал шаҳридаги маҳкама 25 йил олдин кимёвий заводда заҳарли газ чиқиши ва минглаб инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган ҳалокатда 8 кишини айбдор, деб топган.**




Эҳтиётсизлик оқибатида инсонлар ўлимига айбдор деб топилган шахслардан бири ҳаётдан кўз юмган. Хабарларга кўра, "Юнион Карбайд" корхонасидаги йирик газ сизиб чиқиши тарихдаги кимёвий саноатда рўй берган энг ҳалокатли ҳодиса сифатида баҳоланмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, "Юнион Карбайд" заводидан сизиб чиққан улкан газ булути атрофдаги мавзеларни қоплаб олган. Ҳозиргача бу ерда ўн минглаб одамлар азият чекмоқда, завод теварагидаги ҳудудларда туғма нуқсонли чақалоқлар сони кўпайган. "Юнион Карбайд" ширкати 1989 йили Ҳиндистон ҳукуматига 470 миллион АҚШ доллари миқдорида товон пули тўлаган. Ширкатни сотиб олган "Доу Чемикалс" ширкатига кўра, 1989 йилдаги келишув олдинги ва келажакдаги зарарларни қоплаш назарда тутилган.

### Маҳаллий сайловлар

**Мексикада губернаторлар ва маҳаллий орган депутатлари учун сайловлар бўлиб ўтган.**



Хабарларга кўра, бу ерда 12 штатнинг губернаторлари сайланган. Мазкур сайловлар амалдаги давлат раҳбари Фелипп Калдерон учун муҳим имтиҳон саналади: ўтган йили ўтказилган парламент сайловларида унинг Консерваторлар миллий ҳаракат партияси мағлубиятга учраганди. Мазкур сайловда ҳам 12 нафар губернаторнинг 9 нафари консерваторларнинг сайловдаги рақиби сўлмарказчилардан бўлиб, ушбу номзодларнинг позицияси нисбатан кучли экани айтилмоқда.

### «Қуёш витамини»

**Олимлар қуёш нури саломатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашмоқда.**




Узоқ муддат қуёшда тобланган танада Д витамини миқдори ортади. Бу, ўз навбатида, оқ қон таначалари фаоллигини оширади. Натижада иммунитет яхшиланиб, касалликларга чалиниш хавфи камаяди. Профессор Карлстен Гейслернинг таъкидлашича, «қуёш витамини» бўлмаса, организмдаги оқ қон таначалари вируслар олдида ожиз бўлиб қолади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Она табиатдаги ҳайвонот ва наботот олами биз учун ҳамиша сирли ва қадрли. Киши дунёга келган илк дақиқалардан бошлаб кўз ўнгида намоён бўлган бу яшил оламни ўрганиш, тадқиқ этишга мудом орзуманд. Аслида, мавжудотлар ичра буюк бир хилқат бўлмиш инсон ҳам унинг бир заррасидир. Одам ва табиат ўртасидаги ришталарнинг узвийлиги эса ҳаёт бардавомлигини таъминлайди.

# Музейга қачон боргансиз?

Табиатни асраш, уни авлодларга шундайлигича қолдириш, бугун дунё миқёсида энг глобал муаммолардан бири саналиб, ҳар бир миллат ўз ҳудуди ва минтақасини техника тараққиёти асоратларидан ҳимоялаш борасида илмий ва амалий изланишлар олиб бормоқда. Бу ҳаракатда эса ташкил этилган табиат музейлари ва вилоят ўлкашунослик музейларининг хизмати ва ҳиссаси алоҳида эътирофга лойиқ. Биз Ўзбекистон Давлат табиат музейи мисолида музейлар ва уларга бугунги ёшларнинг муносабати ҳақида атрофлича фикр юритамиз.

Пойтахтимиздаги мавжуд музейларнинг ҳар бири ўз тарихига, ноёб экспонатлари ва рангоранг кўргазма залларига эгаки, уларни биргина муштарак мақсад бирлаштиради. Бу ҳам бўлса, халқимизнинг, ўсиб келаётган ёшларнинг маънавиятимиз сарчашмаларидан, юртимиз табиатидан бохабар қилиш ва уларга нисбатан меҳр-мурувват, фахр-ифтихор туйғуларини шакллантиришдир.

Олтита кўргазма залларининг уч мингдан ортиқ ландшафт шаклидаги флора ва фауна дунёсига оид экспонатлар ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди. Музей заллари бўйлаб кезар экансиз, бутун дунё ва Ўзбекистон табиати, гул-гиёҳлари, ажабтовур ҳайвонот оламининг бир ҳовучи шу ерга йиғиб қўйилгандек туюлади. Бир лаҳзада ўзингизни жазирама ернинг чўл ҳайвонлари олдида сезсангиз, бирдан ибтидоий одамлар қуршовида қолгандек туясиз. Экспонатлар шу қадар табиий ва манзарали яратилганки, улар ҳозироқ ҳаракатга тушиб кетадигандек.

Тан олиш керак, бугун соатлаб дарсда ўтириб, кейин зарур маълумотлар илинжида музейларга келаётган ёшлар орамизда кам. Ўқув юртларининг ўзаро шартномалар асосида ёки жонкуяр ўқитувчиларнинг музейларда ўтиладиган очиқ дарсларидан ташқари ёшларнинг қанчалик қисми сайлгоҳларга ошиққандек музейларга келишмоқда? Бунга эришиш учун қандай чоралар кўриш лозим? Биз шу каби саволлар билан Ўзбекистон Давлат табиат музейи директори Зубайдулла Каримовга юзландик.

– Ўзбекистон Давлат табиат музейи 1876 йилда ташкил этилган бўлса, ҳозирги кунга қадар халқимизга, ёшларга юртимиз табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига доир экспонатлари билан маълумотлар бериб келмоқда. Энди ёшларнинг музейларга келиши масаласига тўхталсак, аввало оммани кенг доирада музейларга жалб қилишни йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун эса ота-оналар, мактаб, маҳаллалар билан ҳамкорликда ишлашни янада изчиллик билан амалга ошириш керак, назаримда. Шунингдек, баъзи ота-оналар болаларини музейларга олиб келишни фақат мактабга, коллеж, лицейларга юкламаслиги, ўзлари ҳам буни доимий равишда оилавий тарзда ташкиллаштириши лозим.

> *Музей заллари бўйлаб кезар экансиз, бутун дунё ва Ўзбекистон табиати, гул-гиёҳлари, ажабтовур ҳайвонот оламининг бир ҳовучи шу ерга йиғиб қўйилгандек. Экспонатлар шу қадар табиий ва манзарали яратилганки, улар ҳозироқ ҳаракатга тушиб кетадигандек туюлади.*

Музейлар фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатлардан "Музейлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш, иш самарадорлигини ошириш учун саъй-ҳаракатлар боис ҳозир ёшларнинг музейларга қизиқиши анча кўпайган. Келгусида бунга янада кўпроқ эришиш учун музейимизда болалар ва ўқувчиларга турли дарахт кўчатлари, гул уруғларини бериб, уй шароитида экиш, ўстириб кўришни тарғиб қилмоқчимиз. Бу болаларга ўз кучи билан ишлаб, дов-дарахтлар етиштириш, ҳосил олишни ўргатса, кейинчалик бола руҳиятида бошқа бировнинг меҳнатини ҳам қадрига етиш ва шу орқали табиатни тушуниш, уни авайлаш туйғуларини шакллантиради. Шунингдек, пойтахтимиздаги маҳаллаларга, турли вилоятларга уларда жойлашган ўқув муассасаларига чиқиб у ерларда ҳам кўчма кўргазмалар ўтказмоқчимиз, жойларга навбатдаги илмий экспозициялар уюштирмоқчимиз. Бу ҳам музей фаолиятини кенг қамровда оммага таништиришда яхши самара беради.

Бизнингча, фарзандларимиз соатлаб компьютер мониторига тикилиб, миллий тафаккуримизга ёт ўйинлар, мобиль телефонлардаги беҳаё сурат ва фотолавҳаларни томоша қилгандан кўра, она табиатимизнинг бетакрор манзараларини, тарихи ва маданияти, санъати, адабиётини ўзида акс эттирадиган музейларга олиб бориш ҳар томонлама бола ёши ва истакларига мувофиқдир. Дам олиш кунлари, болаларнинг ёзги таътил онларини уларнинг тафаккурини бойитишга, дарсликларни мукаммал ўзлаштиришга кўмаклашадиган музей ва театрларга етаклаб бориш ўйлаймизки, ҳар қандай ёзги оромгоҳу истироҳат боғларидаги қувончу роҳатдан кам эмас.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, музейлар бошқа маданият муассасалари каби киши дунёқарашини кенгайтиради, бойитади. Инсонга юрти, халқи тарихи, санъати ва анъаналарини ўрганиш ва ўзлаштиришда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, келажак эгалари бўлмиш ёшларда музейларга қизиқишни уйғотиш учун уларни болалигиданоқ она табиат билан яқиндан таништириш, шу аснода раҳмдиллик, меҳр-оқибат, табиатга, Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш зарур. Зеро, атроф-муҳитга, одамларга бефарқ бўлмаган инсон табиатида табиат музейлари ўзига хос пойдевор вазифасини ўташи шубҳасиз.

**Наргиза АСАДОВА**

## КЎЗГУ


# «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

## 2010 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг! Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

**Тошкентда:** 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

| | |
|---|---|
| **ҚР Нукус** (3612) 22-88-68 | **Самарқанд** (3662) 34-22-53 |
| **Андижон** (3742) 22-29-89 | **Сирдарё** (3672) 25-47-70 |
| **Бухоро** (3652) 25-47-49 | **Сурхондарё** (3762) 27-49-03 |
| **Жиззах** (3722) 22-40-01 | **Тошкент вил.** (3712) 233-13-04 |
| **Қашқадарё** (3752) 25-40-27 | **Фарғона** (3732) 24-29-22 |
| **Навоий** (4362) 23-26-86 | **Хоразм** (3622) 26-63-75 |
| **Наманган** (3692) 26-29-80 | **Компания бўлими** 234-85-99 |

**Обунага кўмакчи – «Матбуот тарқатувчи»**


## ЎГИТ

**Бас, дарахт экдинг, оларсен мева ҳам.**

* * *

**Кимки устоздин қочаркан, яхши бил,**
**Қочгай устози эмас, давлатдин ул.**

*Жалолиддин РУМИЙ*

## БИЛАСИЗМИ?

Канар ороли лотин тилидан таржима қилинганда «Итлар ороли» (Insula Canaria) деган маънони беради. Қадимги римликлар орол ҳудудида ёввойи ва хонаки жониворлар ниҳоятда кўплиги боис унга шундай ном беришган.

* * *

Ёмғирлар мавсумида Замбези дарёси Виктория шаршарасини секундига 1080 куб. метр сув билан таъминлаб туради.

* * *

Дунёда музқаймоқнинг мингдан ортиқ тури бор. Бироқ, Японияда ерқалампири, денгиз моллюскаларидан ажралувчи сиёҳ, қовурилган картошка, кактус ва товуқ қанотлари таъмини берувчи музқаймоқлар ҳам топилади.

## ТУРФА ОЛАМ

# Қимматбаҳо гилам

**Дунёдаги энг қимматбаҳо гилам 5 млн. доллар бошланғич нарх билан кимошди савдосига қўйилмоқда.**



Манбада келтирилишича, савдолар чоғида гиламнинг қиймати 20 млн. долларгача кўтарилиши мумкин. Режага кўра, кимошди савдоси машҳур "Соузби" аукцион уйининг Қатар пойтахти Доха шаҳридаги янги офисида бўлиб ўтиши кутилмоқда. Маълумки, гилам XIX асрда Ҳиндистоннинг Варода қироллиги ҳукмдори буюртмасига асосан 173X264 см. ўлчамда тўқилган. Гилам марварид, зумрад, ёқут ва олмос каби қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Қолаверса, гиламнинг ҳар квадрат дециметрига 5000 донадан дур ва маржон тўғри келаркан. Жами бўлиб эса ипак толасидан тўқилган гиламда 2,2 млн. дона марварид ва мунчоқлар жой олган. Айтишларича, ҳинд махаражаси Кхандэ Раонинг васиятига кўра ушбу гилам Мадина шаҳрига, азиз-авлиёнинг қабртоши устига ёпилиши лозим эди. Аммо махаража вафот этгач, унинг меросхўри қимматбаҳо гиламни ўзида сақлаб қолишни афзал билган.

# Энг митти динозавр

**Канадалик тадқиқотчилар шу пайтгача Шимолий Америкада учрамаган номаълум динозаврларнинг энг митти турини «кашф» этишди.**



Олимларнинг айтишича, янги судралиб юрувчи бундан 75 млн. йил аввал яшаган бўлиб, унинг ҳажми ҳозирги уй мушугининг ярмига тенг келган. Hesperonukus дея ном олган ушбу жонивор тез ҳаракатлилиги ҳамда ўткир тирноқлари билан ўзидан бир неча баробар катта махлуқларни ҳам ер тишлатишга қодир бўлган экан. Hesperonukus қолдиқлари 1982 йилдан бери олимларга маълум бўлса-да, бироқ, тўла ўрганилмаган. Шу боис, у вояга етмаган динозавр боласи сифатида кўпчиликнинг эътиборидан четда қолаверган. Янги динозавр устида тадқиқот олиб борган профессор Лонгричнинг гапига қараганда, бу каби митти динозаврлар 50 см. бўлганда тўлиқ вояга етган бўлади ва бу пайтда унинг оғирлиги 2 кг. атрофида бўлар экан.

# Марварид кўприк

**Инсон қадимдан кўприклардан фойдаланиб келади. Уларнинг баъзилари ўта қадимий бўлса, баъзилари ўзининг маҳобати, баландлиги, узунлиги ва ўзига хос архитектураси билан кишини ҳайратга солиб келади.**



Булар орасида осма кўприкларнинг ўзига хос ўрни бор. Дунёдаги осма кўприкларнинг энг узуни Япониядадир. Акаши Кайикё («Марварид кўприги») деб аталадиган бу иншоотнинг узунлиги марказий тирговичидан бошлаб ўлчаганда 1991 метрни ташкил қилади. Ушбу кўприк Хонху текислигидаги Кобэ шаҳрини Акашен бўғозини кесиб ўтган ҳолда Авайи оролидаги Авая аҳоли пункти билан боғлайди. Акаши Кайикё кўприги Хоншу ва Шикоку Хайвэйни бир-бирига боғловчи йўлнинг бир қисми бўлиб, у денгиз бўйлаб уч йўналишда ҳаракатланиш имконини беради. Акаши Кайикё кўприги қурилишидан олдин йўловчилар Аваяга Акаши бўғози орқали ўтишган. Бу хатарли сув йўлида тез-тез довуллар бўлиб турган ва 1955 йилда бўғоздан ўтаётган 2 та сол довул натижасида чўкиб, 168 нафар бола ҳаётдан кўз юмган. Бўлиб ўтган бундай мудҳиш воқеалар япон ҳукуматини бўғоз устида янада мустаҳкам кўприк қуриш режасини амалга оширишга ундайди. Кўприкни даставвал поезд ва автомобиллар ҳаракати учун мўлжаллаб қуриш кўзда тутилади. Лекин 1986 йилнинг апрелидан қуриш ишлари бошлангандан кейин у 6 йўналишли, фақат автомобилларга мўлжалланган йўлга айлантирилди. Қурилиш ишлари икки йилдан кўпроқ давом этиб, 1988 йил 5 апрелдан фойдаланишга топширилади. Акаши бўғози халқаро сув йўли бўлиб, унинг ҳажми 1500 метрга етади ва у кемалар қатновини таъминлайди.

**Зафарбек МУҲАММАД тайёрлади**


VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
e-mail: milliyt@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 623, Адади — 5444

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-69-55, 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41
ФАКС: 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Беҳбуд БОТИРОВ
Навбатчи: Камолиддин ҲОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.40.

1 2 3 4 5